O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 22-noyabr • Shanba • 138 (27.943) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Инсон дунёга яхши иш қилиш, яхши из қолдириш учун келади».

✓ Тиббиёт масканларида

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат

«МАҚСАДИМИЗ — АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ...»

дейди умумий амалиёт шифокори Дилором Саъдиева

Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 12-марказий қўптармоқли поликлиника 56 минг кишига тиббий хизмат кўрсатади. Унда педиатрия, терапия, лор, асаб касалликлари, урология, жарроҳлик, гастроинтроология, травматология бўлимлари мавжуд.

— Бизнинг мақсадимиз аҳолининг сиҳат-саломатлигини назорат қилишдан иборат, — дейди олий тоифали врач Дилором Саъдиева. — Баъзи одамлар бирор дардга чалингачгина шифокорга мурожаат қилади. Аслида, инсон саломатлигини соғлигида асраши керак. Негаки, соғлиқни сақлаш уни тиклашдан афзал, қолаверса, ортиқча харажат талаб этмайди.

Кези келганда, айтиш керакки, — деб давом этади у, — маҳалла, оиладаги покдомонлик, покизалик, меҳр-оқибат, ўзаро аҳил-тотувлик соғлом турмуш тарзи белгиси, одамларнинг саломатлигини сақловчи бош омил ҳисобланади. Биз оила шифокорлари ҳар бир хонадонда бўламиз, унинг аъзолари билан суҳбат ўтказамиз. Ҳар бир хонадон бошлиғи «Оила саломатлик дафтари» тутади, оиладаги каттаю кичикнинг соғлигини назорат қилиб, дафтарга қайд этиб борамиз.

Дарҳақиқат, бугунги умумамалиёт шифокорларининг иш фаолияти бундан ўн йил бурунги дўхтирдан тубдан фарқ қилади. Чорак асрлик иш тажрибамни сарҳисоб қилсам, умумамалиёт шифокорининг вазифаси мураккаб ҳамда савобли эканига амин бўламан.

Зеро, умумамалиёт шифокорининг бош вазифаси — аҳоли саломатлигини сақлаш учун оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантиришдир. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Поликлиника тиббий жамоаси бу борада маҳалла қўмитаси, участка нозири, жамоат фаоллари билан ҳамкорликда иш кўради.

Одамлар турли хил хасталиклардан оиласи, яқинларини муҳофаза қилиш учун, аввало, бу касалликлар тўғрисида тўлиқ маълумотга, тушунчага эга бўлишлари муҳим. Шу боис биз аҳоли орасида, маҳалла ва оилаларда бўлиб, касалликлардан ҳимояланиш учун хасталиклар тўғрисида маълумот бериб бораяпмиз.

Соғлом ҳаёт тарзи, жисмоний машқлар соғлигимизнинг таянчидир. Поликлиниканинг даволаш-гимнастика зали замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. У доим эл хизматида.

Саида САЙХУН

Суратда: *умумамалиёт шифокори Дилором Саъдиева (чапда) ҳамшира Сурайё Камолова билан.*

✓ 2008 йил — Ёшлар йили

ОИЛА — ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

Пойтахтимизда оила институтининг ривожланиш истиқболларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ҳуқуқшунослар, шифокорлар, маънавият тарғиботчилари, психологлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси М.Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И.Насриев, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори В.Каримова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим шарти сифатида оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни оилага тайёрлаш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, дастурлар, фармон ва қарорлар бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Изчиллик билан амалга оширилаётган «Ёшлар йили» Давлат дастури оиланинг мавқеини янада ошириш, ёшлар қалби ва онгида оилага юксак миллий қадрият сифатида муносабатда бўлиш ғоясини сингдириш, йигит-қизларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялаш каби масалалар алоҳида вазифа сифатида белгиланган.

Дастурга мувофиқ оилада тиббий маданиятни янада юксалтириш, унинг аъзолари саломатлигини муҳофазалаш, кам таъминланган, серфарзанд оилаларга аниқ ва самарали ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш, бу йўналишдаги чора-тадбирларни амалга оширишда маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталарининг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан бундай эзгу юмушлар кўлами янада кенгайди. Ёш оилаларнинг меҳнат фаолиятини бошлаши ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уйжой ва маиший шароитини яхшилаш борасида аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жойларда янги иш ўринлари очилиб, ёшлар кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб этилмоқда. Ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратилаётир, касаначиликни ривожлантириш, ёш оилаларнинг меҳнат билан бандлиги ва уларда барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шароит яратилмоқда. Шу билан бирга ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуришда улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Республика «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда бир қатор чора-тадбирларни амалга ошираётир.

Конференцияда «Оила қонунчилиги такомиллашуви — жамият тараққиёти гарови», «Оила давлат ва жамият муҳофазасида», «Оила ва никоҳ», «Оилаларда миллий ўзликни англаш» каби масалаларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

«O`zbekiston ovozi» muxbirlari xabar qiladilar

ҚЎНҒИРОТДА КОЛЛЕЖ ОЧИЛДИ

Қорақалпоғистон. Устюрт ясси тоғларида, Оролбўйи текисликларида геологик қидирув ишлари ва топилган конларни ўзлаштириш учун янги корхоналар қуриш давом этмоқда. Яқинда бу ерда шундай ишларни амалга оширадиган кадрларни тайёрлаш мақсадида Қўнғирот нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи очилди. Билим масканини бунёд этиш учун 748-қурилиш-монтаж корхонаси 2 миллиард 986 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажарди.

Янги коллеж 540 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, ўқув хоналари, лабораториялар керакли асбоб-ускуналар ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. 100 ўринли талабалар уйи, кутубхона, спорт зали ва ошхона илм толиблари ихтиёрига топширилди.

— Коллежимизда нефть ва газ саноати тармоғи учун сакиз йўналишда мутахассис кадрлар тайёрланади, — дейди касб-ҳунар коллежи директори Мақсет Икметов. — Таълим-амалиёт ишлари ҳудудимизда фаолият кўрсатаётган ушбу соҳа корхоналари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Бухоро. Вобкент шаҳарчасидаги «Вобкент йигирувчи» масъулияти чекланган жамиятнинг иш кўлами кенгайди. Бу ерда Польшанинг «Стейстронг» компаниясининг янги технологик линияси ўрнатилди. Бу эса ўз навбатида МЧЖда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини яратибгина қолмай, балки вобкентлик қирқ нафарга яқин ёшнинг ишли бўлишини таъминлади.

Ўз мухбиримиз

«НАВОИЙ» ПОСТИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Тошкент туманида янгидан барпо этилган «Навоий» чегара ва божхона назорат ўтказиш пости фойдаланишга топширилди. Ушбу постнинг халқаро талаблар даражасида ва зарур техника воситалари билан таъминлангани бунинг далилидир. Бу ерга автотранспорт воситалари, товарларни, йўловчиларнинг юкларини назоратдан ўтказиш учун замонавий рентген аппаратлари, тарозилар, радиацион портал мониторлар, кузатув ва алоқа воситалари ўрнатилган.

Мафтуна МИНГБОЕВА

✓ ЎзХДП: бошланғич ташкилот ҳаёти

АМАЛИЙ ИШЛАР

сафимизни мустаҳкамлайди

Фарғона вилоятида Халқ демократик партиясининг 926 та бошланғич ташкилоти бор. Табиийки, уларнинг фаоллигини оширмасдан туриб, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Аввало, партиянинг ҳар бир аъзоси бу ишда ташаббус кўрсатиши лозим. Сафдаги жипслашув, дастурий режани амалга оширишга бўлган интилиш аҳоли, биринчи галда электоратнинг ишончини қозонишга олиб келади. Марғилондаги 1-тиббиёт коллежи ўқитувчиларидан иборат ХДП бошланғич ташкилотининг асосий йўналишини худди шу мезон белгилайди.

Шавкатжон Эрматов партиямизнинг энг фаол етакчиларидан. Унинг раислигида бошланғич ташкилот сафи кенгайиб, жамоада ўз ўрнини топди.

— Биз шиорларнигина олға сурмадик, — дейди Ш.Эрматов. — Одамларни эргаштириш учун амалий ишлар, самарали натижалар бўлиши керак. Асосий эътиборни ёшларга қаратдик. Иқтидорли ёш ўқитувчиларни қўллаб-қувватладик. Улар муаллифлигидаги дарслик ва қўлланмалар чоп этилишига, машғулотларни жонли ва эркин ўтказишига кўмаклашдик. «Ички касалликлар», «Доришунослик ишини ташкил этиш», «Ҳамширалик иши асослари» каби дарслик ва қўлланмалар яратилиб, улардан бир қанча ўқув юртлари фойдаланмоқда.

Мазкур бошланғич ташкилот ҳар бир ишга ижодий ёндашади. Сиёсий ўқув машғулотлари турли шаклдаги баҳс, мунозара ва маърифий ўйинлар услубида ўтказилиб, ҳар бир қатнашчи у ёки бу масалада ўз фикр-мулоҳазаси билан иштирок этади. Модератор вазифасига ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, соҳа мутахассислари таклиф этилмоқда.

Бошланғич ташкилот ўқув юрти атрофидаги бешта маҳалла фуқаролар йиғини билан узвий алоқада. Улар билан ҳамкорликда турли тадбирлар амалга оширилаяпти. Партия аъзоларидан Б.Мирзаев, М.Рўзибоев, А.Шокиров, Ш.Маликова ва О.Раҳимовлар доимо маҳалла аҳли орасида. Улар спорт мусобақалари, тарғибот-ташвиқот ишлари, хайрия ва меҳр-мурувват тадбирлари уюштирмоқда. Масалан, «Чилонзор» маҳалласида яшайдиган эътиборга муҳтож кексаларга уй ишларида ёрдам бериш учун «Ғамхўрлик гуруҳи» тузилди. Бирон-бир қаровчисиз қария назардан четда қолмади. Бундан ташқари, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга ҳам ёрдам бериляпти.

Партия фаоллари ташаббуси билан бошланғич ташкилот «Оила саломатлиги» марафонида иштирок этди. Унда 300дан зиёд ноёб навли гуллар, қушлар, балиқлар, долзарб мавзудаги экопаннолар намойиш этилди.

Марафон қатнашчилари жамият тараққиётида оила саломатлигининг ўрни ва унга эришишнинг йўллари ҳақида фикр алмашдилар.

Партия дастурий мақсадини тарғиб этишнинг бу каби кўринишлари ҳаётийлиги билан ажралиб туради ва бошланғич ташкилотнинг жамоадаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ

«САМОШЕРТЕКСТИЛ»НИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТГА

Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги «Самошертекстил» Ўзбекистон—Россия — Америка қўшма корхонасида 600 нафар ёш меҳнат қиляпти. Замонавий дастгоҳларни бошқараётган ишчилар икки ойда 323 тонна калава ип тайёрлашди. Ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулот Россия, Туркия давлатларига экспорт қилиняпти.

Қўшма корхонада тўқувчиларга қулай шароитлар яратилгани, янги дастгоҳлар ўрнатилганлиги меҳнат унумдорлигини оширяпти. Моҳидил Ҳасанова, Машрабхон Ғозиева, Ирода Хусанова, Наргиза Сотволдиевалар илғор тўқувчи сифатида бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: тўқув цехида иш жадал.

Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат

БУГУНГИ СОНДА:

• МАҲКУМЛИКДАН ҚАЙТГАН ОДАМ
энг аввало давлатнинг, яқинларининг, атрофдагиларнинг моддий ва маънавий кўмаги, қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлади — 2

• ДАВГУСТОҒЛИК ХАЗИНАТОПАРЛАР
минерал хомашё негизини ривожлантириш ва кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда — 3

• ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ БИР ҚИШЛОҚ МИСОЛИДА — 4

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Обуна «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида қабул қилинади.

Вақтни бой бермай обунани расмийлаштирсангиз бўлди, газетамиз уйингиз ва ишхонангизга кириб бораверади!

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI Хизматлар лицензияланган

✓ ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

МАҚСАДГА МОНАНД ҲАРАКАТ

сиёсий ташкилот обрўсини белгилайди

Партия ғояларини самарали тарғиб қиладиган, ҳар бир аъзо билан бевосита иш олиб борадиган ва партия сафини фаол ёшлар билан мустаҳкамлайдиган орган бошланғич партия ташкилотидир. Бугунги кунда бизнинг бошланғич ташкилотимизда 95 нафар аъзо ҳисобда туради. Улар истиқлол даврида эришган ютуқларимиз, иқтисодиётимиз юксалиши, энг муҳими, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётгани тўғрисида мунтазам тарғибот-ташвиқот тадбирларини амалга ошириб келмоқда.

Жорий йилнинг ўзида 27 марта Мустақиллик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, ЎзХДПнинг мақсад ва вазифаларига бағишланган давра суҳбатлари, сиёсий ўқувлар, учрашув ва семинарлар ташкил этилди. Уларда 1200 га яқин иштирокчи фаол қатнашди.

Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, касаба уюшмаси билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўтказилган «Биз демократик давлатда яшаймиз» мавзусидаги плакатлар, «Қонун устуворлиги — жамият таянчи» мавзусидаги иншолар танловлари талаба ёшлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Гиёҳвандлик ва ОИТС, терроризм, одам савдосига қарши кураш масалалари бўйича ҳам партия фаоллари, депутатлар, тегишли ташкилотлар мутахассислари билан биргаликда турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Бошланғич ташкилотимизда ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. БПТ қошида ташкил этилган «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари атрофидаги фаолларимиз кўплаб ташаббуслар билан чиқмоқда. Улар асосида ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, интеллектуал, сиёсий савиясини ошириш, Ўзбекистон ХДП Дастурини тарғиб қилиш мақсадида «Ёш сиёсатчи», «Ёш эколог» клублари, талаба қизлар учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда бичиш-тикиш кичик цехи ва кураш, воллейбол, футбол, қўл жанги, стол тенниси каби спорт секциялари ташкил этилди. Ҳудудимиздаги аҳоли ўртасида экология ва тозаликка аҳамият бериш, атроф-муҳитни тоза сақлаш мақсадида доимий ҳашарлар уюштириб келинмоқда.

Бошланғич ташкилотларимизнинг фаоллиги, ташаббускорлиги ва аҳоли ўртасидаги обрў-эътибори бутун партиянинг электорат, аҳоли орасидаги нуфузини белгилайди. Шунинг учун ҳам бошқа ҳудудлардаги бошланғич ташкилотлар фаолияти бўйича тўпланган тажрибалар умумлаштирилиб, жойларда БПТ раислари иштирокида ўқув-семинарлар ташкил қилинса, бошланғич ташкилотлар сиёсий адабиётлар, кўргазмали воситалар ва бошқа зарур материаллар билан таъминланиб борилса, ишимиз янада самарали бўлар эди.

Амангул САБУРОВА,
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти бошланғич партия ташкилоти раиси.

✓ Амнистия — бағрикенглик ифодаси

МАҲКУМЛИКДАН ҚАЙТГАН ОДАМ

энг аввало давлатнинг, яқинларининг, атрофдагиларнинг моддий ва маънавий кўмаги, қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлади

Мақсудали Маҳкамов пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги қошидаги ижтимоий мослаштириш маркази раҳбари вазифасида саккиз йилдан буён ишлайди. Бундай марказлар жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш, муҳтожларни вақтинчалик турар жой билан таъминлашга кўмаклашади.

— Бир неча йиллар давомида қамоқда бўлган кишининг аҳволи қандай бўлиши маълум — оила аъзоларим, қариндош-уруғ мени қандай қабул қилади, кейинги ҳаётим нима бўлади, деган ўй уни қийнаши табиий, — дейди Мақсудали Маҳкамов. — Ана шундай пайтда жиноят учун қонуний жазони ўтаб қайтган шахсни дастлаб ҳукуматимизнинг моддий ва маънавий кўмаги кутиб туради. Ҳокимликлар қошидаги ижтимоий мослаштириш марказлари, ички ишлар бошқармалари, меҳнат бўлимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари уларга Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 июлдаги 318-Ф-сонли Фармойишида белгиланган шарт-шароит ва имкониятларни яратиб беради.

1

Ижтимоий мослаштириш маркази бир марталик ёрдам пулини ажратади, меҳнат бўлими мавжуд вакант иш ўринларини таклиф этади, соғлиқни сақлаш муассасалари бепул тиббий кўрикдан ўтказиб, бирон касллик аниқланган тақдирда даволаш чораларини белгилайди.

Хуллас, ҳокимлик қошидаги махсус комиссия олдига ана шундай вазифалар қўйилган. Бунда туман ички ишлар бошқармасининг муқаддам судланган ва маъмурий назоратда турувчи шахслар билан ишлаш гуруҳи унинг энг яқин ҳамкори. Дарвоқе, Мақсудалининг иш жойи ҳокимиятда эмас, балки ички ишлар бўлимида. У айнан шу гуруҳ жойлашган хонада бўлса, юмушлари анча осон кечиши ва самарали бўлишини тушунган. Бу ерга келган фуқароларнинг (табиийки, улар жазо чораларини ўташ жойларидан қайтган фуқаролар ва уларнинг яқинларидир) муаммоларини биргаликда ҳал этади, хонадони, маҳалласи ва иш жойи билан бевосита алоқада бўлади.

Айни кунларда бу ерга мурожаат қилаётган бир гуруҳ кишилар борки, улардан қилмишларидан пушаймонлиги билан бир қаторда, миннатдорчилик сўзларини ҳам эшитиш мумкин. Англаган бўлсангиз керак, булар — Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия туфайли муддатидан олдин озод қилинган кишилардир. Улар орасида ўғирлик қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилган, аммо амнистия акти қўлланилиб, суд залининг ўзидан озод қилинган вояга етмаган ўсмир ҳам, катта миқдорда давлат мулкини талонторож қилгани учун жазога ҳукм қилинган масъул ходим ҳам бор. Хуллас, турфа жиноятлар, турфа тақдирлар...

✧✧✧

Жамшид фирибгарлик билан шуғуллангани учун озодликдан маҳрум қилинди.

— Ойларни эмас, кунларни санаб ўтирдим, амнистия туфайли муддатидан олдин эркинликка чиқдим, — дейди у.

2

Ким билади, балким соатларни ҳам санагандир.

«Давлатнинг ғамхўрлиги, кечиримлилиги туфайли эркинликка чиқиш бахтини бошидан кечирганларгина чуқур ҳис қилади». Бу ҳам Жамшиднинг гапи.

У текин даромад учун фирибгарлик йўлига кириб хато қилганидан, турмуш ўртоғи, уч фарзандини қийнаб қўйганидан қаттиқ эзилди. Яхшиямки, рафиқаси энагалик қилиб пул топган, йўқлигини билдирмаган, болаларининг кўнглини ўкситмаган.

Уйга кириб келганида оила аъзоларининг қувониб, атрофида гирдикапалак бўлаётганидан кўнгли тоғдек ўсди. Оила бошлиғи, ота сифатида уларга жудажуда керак эканини хижолатпазлик билан ҳис қилди. Кейинги ҳаётида қалтис қадам босмасликка қатъий аҳд қилди.

Қамоқдан чиққанининг дастлабки кунлари иш излаб у ёқбу ёққа бориш учун рафиқасидан йўлкирага пул сўрашга хижолат бўлиб ўтирганида, яна давлатнинг ғамхўрлиги жонига оро кирди — ижтимоий мослаштириш марказидан телефон қилиб, тегишли банкдан ёрдам пулини олиши мумкинлиги ҳақида хабар беришди.

Жамшид уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасида, кейин уй-жой мулкдорлари ширкатида 20 йилдан ортиқроқ ишлаган эмасми, тажрибали, ишнинг кўзини биладиган ходим, эски танишларидан бири ўзининг хусусий корхонасига бош муҳандисликка олди. Сал кейин ўша дўсти унга УЖМШларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган корхона очишга ёрдам берди. Ҳозир Жамшиднинг корхонаси бутун шаҳар ҳудудида ширкатларга хизмат кўрсатади. Бирон кўп қаватли уйда таъмирлаш ишларини бажаришса, иш сифатини кўрган қўшни ширкат ҳам дарҳол уларнинг мижозига айланади. Хуллас, иш ҳажми оз эмас. Айниқса, ҳозирги иситиш мавсумида буюртмалар кўп.

— Яқинда Чилонзор туманидаги битта кўп қаватли уйда таъмирлаш ишларини бажардик, — дейди Жамшид. — Бу уйда иссиқ сув муаммоси тўрт йилдан буён давом этиб келаётган экан. Хизмат кўрсатувчилар пулни олиб, ишни чала қилиб кетаверишган. Қисқа вақт ичида иссиқ сув тизимини яна қайта таъмирлашга тўғри келаверган. Мулкдорлар унчамунча пудратчига ишонмай қўйганлар.

Шу ўринда Жамшид бир воқеани эслади. Унинг бир пайтлар жазо муддатини ўтаб чиққанини эшитган буюртмачилардан бири дарҳол шартномани бекор қилган.

— Биз эса ўз ишимизни ҳалол бажаришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди у.

✧✧✧

Шайхонтоҳур туманида яшовчи Икром ҳам қаттиқ адашди. Унга «ҳужжати йўқ» «Жигули»ни эҳтиёт қисмларга бўлиб сотиб бериш ҳақида таклиф билан келган танишларининг «юзидан ўтолмади», тўғрисини айтганда, осон йўл билан мўмай пул ишлаб қолиш илинжида автомашина ўғирлаб, қисмларга бўлиб сотишни йўлга қўйган гуруҳнинг бир аъзосига айланди. Гуруҳ қўлга тушди, Икром ҳам тегишли жазосини олди. Амнистия туфайли оиласи бағрига қайтганига бир ойча бўлди. Қариндош-уруғлар, маҳалла-кўй аҳвол сўраб чиқди. Аввалги иш жойи — қурилиш-таъмирлаш корхонаси раҳбари Исмоил Аҳмедов ҳам унинг яқинлари айтган гапни такрорлади:

— Бундан буёғига эҳтиёт бўл. Кўрсатган бағрикенгликдан тўғри хулоса чиқариб олган бўлсанг керак. Бугундан ишга тушишинг мумкин. Яхши ишласанг, ойига 500-600 минг сўмдан иш ҳақи оласан...

— Жазо муддатини ўтиб қайтган шахслар меҳнат бўлимининг рўйхатида бўлиб, инспекторларимиз уларга алоҳида эътибор қаратишади, — дейди Шайхонтоҳур туман меҳнат бўлими бандликка кўмаклашувчи марказ директори Васила Хонкелдиева. — Уларнинг бизга мурожаат қилишини кутиб ўтирмаймиз, хонадонларида бўлиб, иш борасидаги режалари ҳақида сўраймиз, оиласи кам таъминланган бўлса, ижтимоий ёрдам, нафақа ажратиш ҳақида маҳаллага тавсиялар киритамиз. Туманимизда ҳозиргача мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия акти қўлланилган шахслардан етти нафари жазони ўташ жойларидан чиқиб келишди.

3

Баъзилар аввалги иш ўринларига жойлашган бўлса, 4 нафари иш сўраб бизга мурожаат қилди, улар янги очилган корхонага ишга жойлаштирилди.

Ҳа, ҳаётда қоқилган бундай кишиларнинг қаддини тиклаб олишлари учун давлатимиз қатор чора-тадбирлар белгилаб қўйган. Уларни рўйхатдан ўтказиш, паспортини тиклаш (кимнингдир паспорти йўқолган, яна бирининг белгиланган ёшда алмаштириш муддати ўтиб кетган бўлади) қисқа вақт ичида ҳал қилиб берилади, бу масала ички ишлар бошқармаларининг назоратида туради. Туман ҳокимликлари қошидаги ижтимоий мослаштириш марказлари эса мукаддам судланганларнинг турли хил, масалан, оилавий, маиший масалалардаги мурожаатларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди.

Шунингдек, яқинларининг нафақат моддий, балки маънавий мадади ҳам уларнинг бундан кейин тўғри йўл топиб кетишида муҳим омиллардан ҳисобланади. Афсуски, баъзан маҳкумликдан чиққанларга ҳамма ҳам яхши муносабатда бўлавермайди...

✧✧✧

Валентина гиёҳвандлиги туфайли 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Амнистия туфайли 2 йилу 6 ойда озодликка чиқиб келди. Уйида туғишганларини эмас, бегона кишиларни кўрди. Тўғри, онаси билан акаси Валентина жазони ўтаётган муассасага бориб, уйни сотмоқчи эканликларини айтиб, қонуний равишда унинг розилигини олишган эди. Аммо, аёл қариндошлари янги яшаш жойи ҳақида уни хабардор қилмай ғойиб бўлишларини кутмаган эди. Эҳтимол, оила гиёҳванд қиздан безор бўлганликлари учун шундай қилишгандир.

Валентина УЖМШдаги паспорт хизмати орқалигина оиласининг янги манзилини билиб олди — Россия Федерациясига доимий яшаш учун кўчиб кетишибди. Валентина уларни излаб бориш ниятида. Лекин кўнглида бир ўй: «Давлат мени кечириб, берилган жазони енгиллаштирди, туққан онам-чи, менга яна бир марта имконият берармикан, мени қабул қилармикан?..»

Унинг тақдири билан танишиб, бизда ҳам бир савол туғилди: агар онаси унга бағрини очмаса, аёл яна аввалги йўлига кириб кетмасмикан?

✧✧✧

Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси муқаддам судланганлар ва маъмурий назоратда турувчи шахслар билан ишлаш гуруҳи катта инспектори, ички ишлар майори Мохуббат Гамза ўғли биз билан суҳбатда битта фактни келтирган эди: якунланаётган йилда рўйхатда турган муқаддам судланганларнинг уч фоизи қайта жиноят қилганлар. Амнистия акти қўлланилган шахслар эса қайта жиноят содир этишмаган. Майор ўзининг кўп йиллик иш тажрибаси давомида бундай ҳолатга дуч келганини эслай олмади.

Ҳа, амнистия — адолатли акт. Чунки у фақат енгил жиноят қилганларга қўлланилади. Ва яна амнистия фуқарога нисбатан фақат бир марта қўлланилади, такрор жиноят қилган киши бундай кечиримдан умид қилмаса ҳам бўлади.

Амнистиянинг яна бир маънавий натижаси — ўзига нисбатан кечиримлиликни кўрган инсоннинг қалбида пушаймонлик, ўзини, номини, шаънини оқлаш ҳисси қучаяди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Қарор ва ижро

ТЎЛОВ МАДАНИЯТИ

ёки коммунал тўловларнинг ўз вақтида тўланмаслиги оқибатлари хусусида

Электр энергияси ва табиий газнинг ҳаётимиздаги ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Шундай экан, бу иккита манбанинг роҳатини кўраяпмиз-у, лекин қадрига етяпмизми, пулини ўз вақтида тўлаяпмизми, деган савол туғилади. Афсуски, кимдир электр чироғини кераксиз вақтда ўчириб қўймайди, кимдир газдан узлуксиз фойдаланади, коммунал тўловларни эса ўз вақтида тўлаш ҳар доим ҳам ёдимизга келавермайди.

Мамлакатимизда электр энергиясини таъминлаш ва унинг тўловини назорат қилиш «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ҳамда унинг вилоят ва туман, шаҳар тузилмалари зиммасига юкланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун маблағлар тушумини назорат қилиш Давлат солиқ қўмитаси зиммасидадир.

Ушбу қарорга кўра электр энергияси истеъмолчиси бўлган барча юридик шахслар истеъмол қилинган электр энергияси учун ҳар ойда, ой тамом бўлгандан кейин 30 кун ичида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишга мажбур. Тўлов муддати ўтказиб юборилса, муддати ўтказиб юборилган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлаши керак. Қарорга биноан уй-жой ва квартираларнинг олди-сотди шартномаларини рўйхатдан ўтказиш фақат энергия, табиий газ ва бошқа коммунал хизматлар учун қарзлар тўлиқ тўлангандан кейин амалга оширилади ва ҳисоб-китоб қилиш ойи тамом бўлгандан сўнг 30 кун мобайнида истеъмол қилинган электр энергияси учун тўланмаган қарзи бўлса, шартномада назарда тутилган миқдордан ортиқча электр энергияси истеъмол қилган юридик шахсларга электр энергияси бериш тақиқланади.

Агар «Ўзбекэнерго» ДАК тизими ходимлари 30 кундан ортиқ қарздорликлари бўлган истеъмолчиларни электр энергиясидан узиб қўймаса, уларга нисбатан ўртача иш ҳақининг эллик фоизи миқдорида жарима қўлланиши, ушбу ҳолат такрорланганда эса улар эгаллаб турган лавозимларидан озод этилиши, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши кўрсатиб ўтилган.

Коммунал тўловларни юридик ва жисмоний шахслардан, суднинг қарори ва суд буйруқлари, нотариусларнинг ижро хати асосида, Суд департаменти тизимидаги суд ижрочилари ижро қиладилар.

«Ўзбекэнерго» ДАК, Ўзбекистон Республикаси солиқ қўмитаси, Республика Суд департаменти томонидан 2007 йил 10 сентябрда истеъмолчилардан электр энергияси учун муддати ўтган дебиторлик қарзларини корхона ва ташкилотлар молмулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларининг ижросини таъминлашда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида Услубий тартиб жорий қилинди.

Ушбу тартиб талабига кўра Давлат солиқ органлари суд ижрочисига ижро варақаси билан биргаликда, қарздор корхонани электр манбаидан узиб қўйилганлиги ҳақидаги далолатномани ҳам илова қилади. Агар ушбу далолатнома бўлмаса, ижро варақаси ижро қилинмасдан солиқ органига қайтарилади.

Агар суд ижрочиси ижрога киришганидан сўнг қарздор корхонанинг электр манбаидан узилмаганлигини аниқласа, у ҳолда ижрочи бу ҳақда далолатнома тузади ва электр энергияси билан таъминловчи ташкилотга ёзма равишда хабарнома беради. Ушбу хабарномани олган энергия билан таъминловчи ташкилот эртаси кундан кечикмай қарздор корхонани электр манбаидан узиб қўйиши ҳамда аниқланган қоидабузарлик юзасидан қонунда белгиланган чораларни кўриши керак.

Солиқ қўмитаси, «Ўзбекэнерго» ДАК, Суд департаменти томонидан 2008 йил 25 февралда тасдиқланган электр энергияси бўйича дебиторлик қарзларни ундириш юзасидан қўшма чора-тадбирлар Дастурида муддати ўтган дебитор қарзи мавжуд бўлган истеъмолчиларни тармоқдан тўлиқ узиб, уларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чоралар кўриш ҳамда электр энергиясининг шартномаларсиз узатувини амалга оширилишига йўл қўйган корхоналарнинг масъул ходимларига нисбатан чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳужжатлар тақдим қилиш белгиланган.

Суд департаменти вилоят ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари иш юритувига жорий йилнинг ўтган ойларида 2 039 503 100 сўмлик қарздор юридик шахслардан электр энергиясини ундириш ҳақида ижро ҳужжатлари келиб тушган бўлиб, шундан 1 796 141 700 сўмлик ижро ишининг ижроси тамомланган.

Қарздор жисмоний шахслардан ўтган йилда газ таъминоти корхоналари фойдасига жами 57 798 000 сўмлик, электр таъминоти корхоналари фойдасига эса 299 260 000 сўмлик ижро ҳужжатлари келиб тушган бўлиб, газдан 50 011 000 сўмлик, электр энергиясидан 259 304 000 сўмлик ижро ҳужжатларининг ижроси таъминланган.

Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида эса жисмоний шахслардан газ таъминоти корхоналари фойдасига 219 320 300 сўмлик, электр энергияси таъминоти корхоналари фойдасига 264 081 800 сўмлик ижро ҳужжатлари келиб тушган бўлиб, газдан 160 490 800 сўмлик, электр энергиясидан 225 104 900 сўмлик ҳужжатларнинг ижроси таъминланди.

Эътибор берилса, йилдан-йилга газ ва электр энергиясидан дебиторлик қарздорликлар ошмоқда ва суд ижрочилар иш юритувига келиб тушаётган ижро ҳужжатларининг сони ҳам кўпайиб бормоқда. Бу эса тўлов маданияти билан боғлиқ.

Тадбиркорлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари, жисмоний шахслар газ, сув, иссиқлик манбаи ва электр таъминоти учун тўловларни ўз вақтида, муддатидан кечиктирмасдан тўлаб боришлари лозим. Шунда қишнинг узоқ ва изғиринли кунларида уйимиз ёруғ, хонадонимиз иссиқ бўлади.

Ислом ҚАЛҚОНОВ,
Суд департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Тошлоқ туманидаги «Sta-Sam Yang Plastik Co.Ltd» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2005 йил 11 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон мазкур қўшма корхонани ташкил этишда муҳим аҳамият касб этди. Тумандаги «Стапласт» ҳамда Жанубий Кореянинг «Sam yang Xaytek» фирмалари билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхонага 306 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди.

Корхона қисқа фурсатда ички бозорда ўз ўрнини топди. Бу ерда замонавий хориж технологиялари асосида дастлаб беш турда маҳсулот тайёрланган бўлса, ҳозир 20 хил полиэтилин маҳсулотлар, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Асосий хомашё «Шўртангазкимё» мажмуидан олинмоқда.

Бугунги кунда 35 нафар йигит-қиз меҳнат қилаётган мазкур корхонада жорий йилнинг ўтган даврида 175 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Суратларда: *корхона фаолиятидан лавҳалар.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.



✓ Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллигига

ДАВГУСТОҒЛИК ХАЗИНАТОПАРЛАР

минерал хомашё негизини ривожлантириш ва кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда

Она заминимизнинг геологик ўрганилиши узоқ тарихга ва катта аҳамиятга эга. Бу тарих бир неча даврларга бўлинади ва улар моҳиятан бир-биридан фарқ қилади. Давгустоғ олтин кони топилиши муносабати билан 1975 йилнинг 4 мартида махсус геология қидирув экспедицияси ташкил этилди. Ўшандан бошлаб экспедиция геологлари томонидан марказий Қизилқумдаги Курржунтоғ, Белтов, Даристов, Калчиктоғ, Житимтоғ ва Омонтойтоғ тоғлари ҳамда тоғ адирларида йигирмадан ортиқ йирик олтин конлари, турли фойдали қазилма излаб топилди. Давгустоғ олтин кони, Сариботир, Асаухон олтин ва кумуш конлари шулар жумласидандир.

Давгустоғ дала геология қидирув экспедицияси давлат корхонасининг бутун фаолияти Навоий кон-металлургия комбинати билан боғлиқ. Корхона томонидан янги конларнинг очилиши ўз навбатида комбинат учун Марказий Қизилқум ҳудудида янги минерал хомашё базаси яратилишига сабаб бўлди.

Мустақиллик йилларида геологик ишларнинг кўлами ва ҳажми кенгайди, ривожланди. Экспедиция геологларининг самарали меҳнати билан янги-янги конлар очилди. Омонтойтоғ, Узунбулоқ каби конлар, Давгустоғ маъдан майдонидаги 13 та кичик олтин конлари шулар жумласидандир. Уларнинг захиралари аниқлаб чиқилиб, қайта ишлаш учун топширилди. Бугунги кунда Навоий кон- металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармаси томонидан Давгустоғ ва Ажибугут олтин конларида олтинга кон маъданларни қазиб олиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Давгустоғ дала геология қидирув экспедицияси давлат корхонасида ҳозирги кунда 350 нафардан кўпроқ киши меҳнат қилмоқда. Лаборатория бўлими билан бирга, мавжуд 6 та участкада ишлар қизғин олиб борилаяпти. Бурғулаш участкаларида фаолият кўлами жуда кенг, қурилиш-таъмирлаш участкаларида бажарилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Геологлар участкасида 5 та лойиҳа бўйича дала-қидирув-баҳолаш ишлари жадал йўлга қўйилган. Конларни қидириб топиш, баҳолаш, сифати ва захирасини аниқлаш — участка геологларининг асосий мақсади. Нажмиддин Курбонов бошчилигидаги Абдувосит Жалилов, Олима Қосимова, Шомурод Тўқсонов, Иноможон Султонов, Мария Шодиева, Садриддин Тилабов сингари тажрибали геологлар фидокорона меҳнат қилишмоқда.



Экспедициянинг Тўлқин Бобонов бошлиқ участкаси жамоаси жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 800 пагон метрга яқин ер ости иншоотлари ишларини бажарди. Участкадаги ҚШП агрегатлари, компрессорлар, электр станциялари бенуқсон ишлаб турибди.

Элмурод Эргашев етакчилик қилаётган бурғуловчилар Ғарбий Учтепа, Калчиктоғда, Житимтоғ ва «Биринчи сентябрь» олтин кони маъдан майдонларида иш олиб боришмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида участка бўйича 13-14 минг погон метр бурғулаш ишлари бажарилди. Бу ердаги «ЗИФ-650» маркали 4 та бурғалаш агрегати, «ЭСКБ-5», «ЛМ-75» маркали қурилмалардан унумли фойдаланилмоқда. Агрегатлар кучи билан кунига 300-350 пагон метргача бурғулаш ишлари уддаланаяпти. Участканинг тажрибали бурғуловчиси Жумақул Қорақулов ўтган йили «Шуҳрат» медалига сазовор бўлди. Унинг издошлари Рўзиқул Ҳайитов, Муҳиддин Бобомуродов, Суръат Тоҳировлар ҳам ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.

Геология соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, минерал хомашё негизини ривожлантириш ва кенгайтиришга қўшган катта ҳиссаси учун корхонанинг етакчи геологи Шомурод Тўқсонов, лаборатория мажмуаси бошлиғи Нормўмин Норқулов, бурғулаш участкаси машинисти Эшназар Жаниев, автотранспорт участкаси ҳайдовчиси Пердебай Ершеев каби ишчилар Давлат Геология қўмитаси ҳамда Ёқилғи энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари Касаба уюшмаси марказий кенгашининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Корхонада асосан 3 та — Ғарбий, Шарқий ва Шимолий партияларда иш олиб борилади. Ғарбий партияга кўп йиллик тажрибага эга геолог Абдувосит Жалилов етакчилик қилади. У 1984 йилда Тошкент Политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)нинг геология-қидирув факультетини тамомлади. Ўша йили йўлланма билан Давгустоғ дала гелогия қидирув экспедицияси давлат корхонасига ишга келди. Бугун корхонанинг йирик партияларидан бирини бошқармоқда. Унинг саъй-ҳаракати билан 2007 йилда янги кон захираларини топиш ва аниқлашга қўл урилди. Ҳозир мазкур коннинг Ғарбий ва Шарқий йўналишлари бўйича қидирув-аниқлаш ишлари олиб борилаяпти. Режалаштирилган лойиҳа бўйича 2011 йилгача конда излаш, баҳолаш ишлари давом этади.

«Биринчи сентябрь» конидаги захира бойликлар асосан кварц таркибидан иборат. Захиралар кварц билан боғлиқлиги учун улар Мурунтоғ кони типига киритилган. Кон захираларининг юқорилиги, маъданларни қайта ишлаш жараёнлари енгиллиги, ортиқча харажатларнинг йўқлиги ва захираларнинг эркин ҳолда олиниши билан алоҳида ажралиб туради.

Ғарбий партияда асосан 52 нафар киши меҳнат қилади. Жамоани геологлар, тоғ-кон ишчилари, бурғуловчилар, машинист ва автотранспорт ҳайдовчилари ташкил этади. Комил Худойқулов, Сирож Эгамов, Эшназар Жалиев, Фарҳод Отақулов, Нурали Жумаев сингари геолог, бурғуловчи ва ишчилар кўпсонли комбинатда катта ҳурмат-эътибор қозонган.

— Экспедициямиз олдида ғоят масъулиятли вазифалар турибди, — дейди корхона раҳбари Шуҳрат Маҳмудов. — Биргина Житимтоғ ва Калчиктоғ ҳамда тоғён бағирларида 6 та ҳаракатдаги геологик лахмлар (шахталар)да қимматбаҳо металлар қидириш, баҳолаш, захирасини аниқлаш ишлари олиб борилмоқда. Олтин захираларини ошириш режаси узлуксиз ортиғи билан бажарилмоқда. Бугунги кунда янги Калчиктоғ ва «Биринчи сентябрь» олтин конларида геологик баҳолаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Дала шароитида геолог ишчи-хизматчиларни самарали меҳнат қилишлари учун барча шароит муҳайё. Геологлар посёлкасида умумтаълим ўрта мактаби, болалар боғчаси, клуб, спорт майдонлари фарзандлар ихтиёрида. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг дам олишини ташкил этиш, саломатликларини тиклаш ишлари доимий эътиборда. Шу йилнинг ўзида корхона ишчи-хизматчиларидан 12 нафарига «Чоткол» сиҳатгоҳига йўлланма берилди. Болалар оромгоҳларида 120 нафар кичкинтой дам олиб қайтди.

«Давгустоғ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ободонлаштириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

— Маҳалламизда 3200 нафар аҳоли яшайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Камол Жалилов. — Ҳудудимиздаги мактаб, болалар боғчаси, шифо маскани фаолияти ҳозирги кун талаблари даражасида. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Корхона маъмурияти билан касаначиликни кучайтиришга жиддий эътибор бераяпмиз. Биргина шу йилнинг ўзида касаначилик орқали хотин-қизларимиздан 42 нафари иш билан таъминланди. Ёш оилалардан 12 тасига истеъмол ва ипотека кредитлари берилди.

Мухтасар айтганда, Давгустоғ дала гелогия қидирув экспедицияси давлат корхонаси жамоаси мамлакатимизнинг минерал хомашё негизини ривожлантириш ва кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Олтинтопарлар Навоий конметаллургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллигини юксак меҳнат натижалари билан кутиб олмоқдалар.

Қурбон ТЎХТАЕВ,
Навоий вилояти телерадиокомпанияси катта муҳаррири.

✓ Тадбир

НАТИЖА ВА ХУЛОСАЛАР

таҳлил этилди

Кеча Республика Ички ишлар вазирлигининг Матбуот маркази Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси раҳбарияти иштирокида «Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик: натижа ва якунлар» мавзуида матбуот анжумани ўтказди.

Унда қайд этилганидек, содир бўлаётган ёнғинларда инсонларнинг тан жароҳати олиши ва ҳалок бўлишига йўл қўймаслик ҳамда моддий бойликларни сақлаб қолиш борасида турли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2008 йилнинг ўтган ўн ойи давомида содир бўлган ёнғинлар 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 3,5 фоизга, инсонларнинг қуйиш, тан жароҳати олиш ҳолатлари 10,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги жабҳаларида содир бўлган ёнғинларнинг 15,7 фоизга камайишига эришилди.

Жорий йилнинг ўтган давр мобайнида ёнғин ўчириш жанговар экипажлари 6 минг 760 маротаба тилсиз ёв хавф солган жойларга бориб, мингдан зиёд ёнғинни бошланиш жараёнида ўчиришди. 115 нафар фуқаро ҳаёти сақлаб қолинди, 718 миллиард сўм миқдордаги моддий бойликларни асрашга муваффақ бўлинди.

Давлат ёнғин назорати ходимлари бундай нохушликларнинг олдини олиш мақсадида йил бошидан бери 49 минг 291 та корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текшириб чикди.

Содир бўлаётган умумий ёнғинларнинг 80 фоизи аҳоли турар жойларига тўғри келаётганлигини инобатга олиб, асосий эътибор аҳоли яшаш жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилди. Текширув натижалари бўйича ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётганларга тегишли тартибда чора кўрилмоқда. Бундай офатларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли турар жойларида ва корхона, ташкилотларда мунтазам учрашувлар ўтказиляпти. 2366 турдаги 300 мингдан зиёд нусхада эслатма, плакат ва шиорлар тарқатилди. Ёнғинларда ҳаракатланиш тартибини такомиллаштириш мақсадида 786 маротаба ёнғин ўчириш амалий тактик машқлари ва 6848 маротаба амалий машғулотлар олиб борилди.

Шунингдек, матбуот анжуманида ушбу тизимда кадрларни танлаш ва уларнинг малакасини оширишга жиддий эътибор берилаётгани алоҳида таъкидланди.

Равшан ШОДИЕВ

ЙЎЛЛАР РАВОНЛАШМОҚДА

Наманган. Тўрақўрғон туманида 370 километр ички автомобиль йўли мавжуд бўлиб, жорий йилда ана шу йўлларнинг таъмирталаб қисмларини созлаш белгиланганди. Айни кунларда Сайрам, Ёртепа ва Шаҳанд қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги 46,3 километр ички йўллар таъмирдан чиқарилди. Бу мақсад учун қарийб 94,1 миллион сўм маблағ сарфланди.

Носир АББОС

БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ИШ БОШЛАДИ

Ғиждувон туманидаги кончилар шаҳарчасида 320 ўринли эртакнамо болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Уни Навоий кон-металлургия комбинати бунёдкорлари барпо этдилар. Энди комбинатнинг шу ҳудуддаги 5-кон-руда бошқармаси тизимида меҳнат қилаётган икки мингга яқин ишчи-хизматчилари болалари бу масканда тарбияланади.

Шуниси қувончлики, ноанъанавий меъморий услубда қурилган мазкур боғчада дорихона, ошхона, ётоқхона, махсус спорт майдончаси бўлиб, улар замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Боғча ҳовлиси эса болажонлар севиб томоша қиладиган мультфильмлар қаҳрамонлари билан тўла. Хуллас, бу ерда болалар мудом ўзларини эртаклар оламида ҳис этадилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Маштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

✓ Шарҳ

«КЕКСАЯЁТГАН» ҚИТЪА

27 мамлакатни қамраб олган Европа Иттифоқи аҳолиси 450 миллиондан ошиб кетганига анча бўлди. Шу тариқа, Иттифоқ аҳоли сони бўйича АҚШни (300 миллион) ортда қолдирди. Бироқ, 2050 йилга бориб, ҳисоблар деярли тенглашади. Бошқача айтганда, Европада аёлларнинг фарзанд кўришни хушламаётгани келгусида талай муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Америкада ҳам, Европада ҳам туғилиш даражаси тушиб кетиши оқибатида ҳар бир аёлга кўпи билан 2 нафар бола тўғри келганди. Лекин ҳозирги кунда Америкада бу ҳолат ўз изига тушмоқда. Европа Иттифоқи эса ўз демографик ҳолати билан мақтана олмайди.

Одамлар узоқ яшаб, кам фарзанд кўрса, табиийки, аҳолини ёши ўтган кишилар ташкил этади, миллат кексаяди. Европада ўртача умр кўриш кўрсаткичи ўсиб бормоқда. Ҳозир Германияда аҳолининг ўртача ёши 40 ёшни ташкил этаётган бўлса, ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилларга бориб, бу кўрсаткич 47 ёшга етади. Италияда 2025 йилда 50 ёш ўртача дея тан олинади. Таҳлилларга кўра, Америкада аҳолининг ўртача ёши 2050 йилда 40 ёшга етар экан.

Европадаги бундай демографик муаммолар иқтисодиётга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Аввалига ишчи кучи бирваракайига камайиб кетади. Масалан, 2010-2035 йиллар Италияда меҳнатга лаёқатли аҳоли 20 фоизга камайса, 2050 йилга бориб бу кўрсаткич устига яна 15 фоиз қўшилади. Агар ҳозирдан иш билан бандлик ва ишлаб чиқариш даражаси шунга мувофиқ тарзда кўтарилмаса, ишчи кучи сонининг қисқариб бориши мамлакатлар иқтисодий ўсишини бўғиб қўяди.



Меҳнатга яроқли аҳоли сонининг қисқариши, ўз навбатида, давлат қарамоғидаги фуқаролар сонининг ошишига олиб келади. «World Economic Outlook» нашри эълон қилган маълумотга қараганда, Испанияда 2005 ва 2050 йиллар орасида 65 ёшдан юқори бўлганлар сони 44 фоизга кўтарилади.

Қариялар сонининг янада ошиши Европа мамлакатлари иқтисодиёти учун оғир синовдир. Негаки, бунда нафақат пенсия, балки узоқ муддатли тиббий хизмат харажатлари ҳам давлат зиммасига тушади. Ноқулай демографик ўзгаришлар туфайли давлат харажатлари 5-8 фоизгача кўтарилиши тахмин қилинмоқда. Солиқ тўловчиларни бундай харажатларни қоплашга мажбур қилиш жуда қийин. Бусиз ҳам ҳозир Европа мамлакатларининг кўпчилигида ойлик ва солиқ масаласида жиддий норозилик ҳукм сўрмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, муаммони ҳал этишнинг бир йўли ёш ишчи кучларини иммиграция қилишдир. Лекин бундай катта ҳудудда иммиграция масаласи миллий-сиёсий низолар келтириб чиқариши ва ечими топилмас муаммога айланиб кетиши мумкин. БМТ ҳисоб-китобига кўра, Германия 2050 йилга бориб 3,6 миллион иммигрантга кучли эҳтиёж сезади. Бунинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли — туғилиш даражасини кўтаришдир. Сўнгги йилларда бу кўрсаткич Италия ва Испанияда бирмунча ўсди. Франция ва Эстонияда ҳам туғилишни рағбатлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар яхши натижа бермоқда. Бироқ етакчи мутахассислар бу вақтинчалик жараён эканини таъкидламоқда.

Айниқса, аёлларнинг кўпчилиги ишламайдиган Ўртаер денгизи мамлакатларида туғилиш даражаси жуда паст. Аксинча, иш билан банд аёллар кўпчиликни ташкил этган Скандинавияда туғилиш кўпроқ. Кўриниб турибдики, юзага келаётган муаммо жиддий. Унинг келиб чиқиш сабабини билмай туриб, ечимини топиб бўлмайди. Тўғри, ишлаб чиқариш суръатини жадал ошириш анча ёрдам бериши мумкин, бироқ бу яна ишчи кучига, ишчи кучи эса туғилиш миқдорига бориб тақалади. Бунинг учун иккита иқтисодий чора мавжуд. Биринчиси — меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида бандлик даражасини ошириш. 2005 йилда бўлиб ўтган Лиссабон саммитида Европа Иттифоқи етакчилари 2010 йилга қадар умумий бандлик кўрсаткичини 70 фоизга, 55 ёшдан 64 ёшгача бўлган шахслар орасида 50 фоизга кўтаришни мақсад қилиб қўйишган эди. Ўтган йили бу рақамлар 65 ва 42 фоизни ташкил этди. Агар, масала ижобий ҳал этилса, рақобатбардошлик оширилса, инқироз маълум миқдорда пасайиши мумкин.

Иккинчи ечим — меҳнатга лаёқатли аҳолининг нафақа ёшини кўтариш. Бундай қилинса, яна бир муаммо пайдо бўлади. Европа меҳнат бозори ва нафақа тизимидаги ислоҳотлар юзасидан анчагина бош қотириш, муҳими, аҳолини рози қилиши керак бўлади. Таҳлилчилар айтишича, эскича қарашлар янги мезонларга мос келмаяпти.

Хориж ОАВ материаллари асосида Беҳбуд БОТИРОВ тайёрлади.

МАХСУС ТИЗИМ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Индонезияда табиий офатлар, хусусан, цунами ҳақида олдиндан огоҳлантирувчи махсус тизим ишга туширилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Маълумотларга қараганда, Германия, Япония ва Хитой мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган мазкур тизим уч қисмдан иборат. У цунамига сабаб бўлувчи зилзила кучи, ер қобиғидаги ўзгаришлар ҳамда сув сатҳининг кўтарилиши ҳақидаги маълумотларни йиғиб, хулоса беради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу тизим 2010 йилга бориб тўла қувват билан ишлай бошлайди ва мамлакатнинг барча минтақаларини қамраб олади.

ДАВЛАТ КОТИБИ БЎЛАДИ

Хиллари Клинтон Барак Обама маъмуриятида АҚШ давлат котиби лавозимини эгаллайдиган бўлди. Сайланган президент маслаҳатчилари шу ҳақда маълум қилишди. Яқин кунлар ичида расмий тайинлаш ўтказилиши керак. Нью-Йорк штатидан сенатор бўлган Хиллари Клинтон асосан халқаро ишлар ва мудофаа билан боғлиқ масалалар билан шуғулланган. Гарчи, муқаддам Хиллари Клинтон Ироқдаги урушни қўллаб-қувватлаган бўлса, эндиликда сайланган президент Барак Обаманинг Америка қўшинларини у ердан олиб чиқиш ниятига рози.

ДАБДАБАЛИ МУШАКБОЗЛИК

Дубайда суньий оролда бунёд этилган энг катта меҳмонхона мажмуасининг очилиши дабдабали мушакбозлик билан нишонланди. Айтиш керакки, бундай томоша буюртмачиларга 20 миллион долларга тушган. Ташкилотчиларнинг айтишича, мушакбозликни ҳаттоки коинотдан ҳам кўрса бўларкан. Жаҳондаги ҳозирги молиявий танглик шароитларида бундайин маросимнинг ўтказилиши пулни кўкка совуриш билан тенг. Бироқ меҳмонхона соҳиби сайёҳларнинг умидини оқлаш учун шундай ишга қўл урганлигини айтган. Маросимда жаҳон санъат ва спорт юлдузлари қатнашган.

✓ Истиқлол имкониятлари

ОЛМОСДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Олмос — Наманган вилоятининг Чуст туманидаги йирик қишлоқлардан бири. Аҳолиси 34 минг кишидан зиёд. Мавжуд тўққизта маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида лицей, касб-ҳунар коллежи, тўққизта мактаб, битта кўп тармоқли, иккита хусусий шифохона ва иккита қишлоқ врачлик пункти, шунингдек, деҳқон бозори, савдо-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўзида Таъмирлаш ишларига 115 миллион сўм маблағ сарфланди.

Капитал таъмирдан кейин 87 миллион сўмлик зарур жиҳозлар билан таъминланган мактабда бугун ўқитувчиларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам кайфияти юқори. Ютуқлар ҳам шунга яраша. Буни қуйидаги далиллар ҳам исботлаб турибди. Ўтган ўқув йили натижасига кўра, мактабнинг икки нафар ўқувчиси Бахром Наданги ўзгаришдан маҳаллакўйдаги катта-ю кичик хурсанд. Мактабга эътибор болаларимизнинг тарбиясига ҳам ижобий таъсир қилмоқда.

Мактабдан қайтишда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси билан учрашдик.

— Қишлоғимизда ишбилармон тадбиркорлар кўпчиликни ташкил этади, — дейди қишлоқ оқсоқоли, **ХДПдан туман Кенгаши депутати Фахриддин Баҳодиров.** — Ҳайдарали Асатиллаев, Имомберди Дўстов, Умарали Рустамов, Саидкамол Акромов сингари ҳамқишлоқларимиз ўз сармоялари ҳисобидан ҳудудимиз ободончилигига катта ҳисса қўшишмоқда. Тадбиркор Сирожиддин Мансуров Булоқбоши маҳалласида яқин 1,5 километр йўлни асфальт қилишга маблағ ажратди. Умарали Рустамов Ариқбўйи маҳалласидаги кам таъминланган оилалардан бирига соғин сигир совға қилди. Саидкамолхон Акромов эса 10 та янги иш ўрни очиб, ёшларни иш билан таъминлади.

Сирасини айтганда, ҳар бир ўзгариш, ҳар бир қурилаётган бино одамлар кайфиятини кўтармоқда. 6-хусусий механизациялашган кўчма жамланманинг қишлоғимиз ҳудудида жойлашган. Баҳодир Мамадалиев раҳбарлигидаги бунёдкорлар меҳнати билан ўтган йили касб-ҳунар коллежи барпо этилди, бу йил Булоқбоши маҳалласида янги 420 ўринли мактаб биноси қурилмоқда...

Биз юқорида мустақиллик йилларида биргина қишлоқ мисолида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида тўхталдик. Истиқлол берган имкониятлар нафақат марказда, балки юртимизнинг олис қишлоқларида ҳам бўй кўрсатмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Поп — Олмос трассаси бўйлаб 7 километрлик табиий газ тармоғи тортилди.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган дастурий мақсад йўлида ҳукуматимиз эътибори туфайли яна бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 55-умумтаълим мактабидаги ўзгаришлар бунга яққол мисол бўла олади. Ранго-ранг гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар қуршовидаги илм масканида бугун 1176 нафар ўғил-қиз таҳсил олмоқда, 63 нафар ўқитувчи-педагог эса уларга илм-фан сирларини ўргатмоқда.

— Таълим тизимига давлат томонидан берилаётган эътибор нафақат ўқитувчи-мураббийларни, балки барча ота-оналарни ҳам хурсанд этмоқда, — дейди мактаб директори, Халқ таълими аълочиси Абдужаббор Маҳкамов. — Ўтган йили мактабимиз капитал таъмирдан чиқарилди. Заралиев (10-синф) ва Фурқат Аҳмадалиев (11-синф) физика фани бўйича ўтказилган олимпиаданинг республика ва вилоят босқичларида 1-ўринни эгаллашди. Баҳром Жиззахда бўлиб ўтган ўқувчиларнинг ёзги фан олимпиадасида ҳам ғолибликни қўлга киритди.

Чароғон синфхоналарни кўздан кечирар эканмиз, хоналарга тўшалган гиламлар эътиборимизни тортди.

— Мактабимиз таъмирдан чиқарилиб, замонавий жиҳозлар келтирилгач, қишлоқдошларимиз ҳам қараб туришмади, — дея изоҳ беради директор. — Мамарафиқ Комилов, Ғуломжон Мирбоев сингари ота-оналаримиз ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ташаббуси билан чиқишди.

— Беш фарзандим шу мактабда таълим-тарбия кўришган, набираларим ҳам шу ерда таҳсил олишяпти, — дейди Ҳусниддин Ҳошимов. — Мактаб-

Саудия Арабистонида ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Аҳмаджон Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси кумуш медалга сазовор бўлиш билан бирга, келаси йил Мисрда ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига йўлланмани ҳам қўлга киритди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Футбол федерациясида бош мураббий Аҳмаджон Убайдуллаев ҳамда ёшлар терма жамоаси ҳимоячиси Мурод Холмуҳамедов билан матбуот анжумани уюштирилди.

Аҳмаджон УБАЙДУЛЛАЕВ:

«ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА МУНОСИБЛАР ТЎП СУРАДИ»

— Аввало, бизни чемпионат давомида қўллаб-қувватлаб турган миллионлаб мухлисларга раҳмат айтмоқчиман, — дея сўз бошлади Аҳмаджон Убайдуллаев. — Албатта, биз эришган натижа бугун бутун ўзбек футболининг жуда катта зафари эканлигини таъкидлашни истардим. Жаҳон чемпионатига чиқишимиз учун футболчилар ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан тайёр эдилар. Чунки биз Осиё чемпионати олдидан терма жамоамиз учун ҳукуматимиз ва ЎФФ томонидан яратиб берилган шарт-шароитларни оқлашимиз лозим эди. Охирги икки-уч йил ичида ёшларимиз ўнга яқин турли халқаро мусобақаларда иштирок этишди. Жанубий Корея, Эрон, Хитой, Миср сингари бир қатор мамлакатларда ўқув-машғулот йиғинлари ташкил этилди. Ана шу давр мобайнида йигитларимиз 32 та турли даражадаги халқаро ўртоқлик учрашувларида майдонга тушишди. Бундай ғамхўрлик ва эътиборни оқлаганлигимиздан беҳад хурсандмиз.

Шундан сўнг, чорак финалда Хитой ёшлар терма жамоасига қарши кечган учрашувнинг пенальтилар серияси дарвозабон ўрнини эгаллаган ҳимоячи Мурод Холмуҳамедовга сўз берилди.

— Очиғини айтсам, жаҳон чемпионатига чиқишимизни қутмагандим, — деди Мурод. — Ўтказилган ўйинларнинг ҳеч бири биз учун осон кечмади. Лекин шунга қарамай, майдонда уюшқоқлик билан ҳаракат қилиб, яхлит жамоа эканлигимизни амалда исботладик. Гурухда керакли натижани қайд этгач, ўзимизга бўлган ишонч ортди ва финалгача етиб бордик. Бунда бош мураббийимизнинг қўллаган ўйин тактикалари ҳам бизга катта ёрдам берди.

— Мурод, пенальтилар сериясида дарвозани ишончли қўриқладингиз. Аввал ҳам дарвозабон сифатида майдонга тушганмидингиз?

— Йўқ. Илгари ҳеч қачон дарвозабон ўрнини эгалламаганман. Йигитларнинг қўллаб-қувватлаши ёрдам берди ва ўзимга ишонган ҳолда, ҳеч бўлмаса, битта зарбани қайтараман, деб дарвозага турдим. Худога шукр, якунда ишончни оқлаганимдан мамнунман.

— Йигитларимиз қандай иродали ва шижоатли ўйин намойиш этганига, муҳими, жаҳон чемпионатидек нуфузли мусобақага йўлланмани қандай қўлга киритганига барчамиз шоҳид бўлдик. Хўш, олдинда турган жиддий синовга Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси қандай ҳозирлик кўради?

— Жаҳон чемпионати қитъа биринчилигидан жиддий фарқ қилади, — деди Аҳмаджон Убайдуллаев. — Шу боис, тайёргарликка алоҳида эътибор қаратамиз. Бу нуфузли мусобақа олдидан ўқув-машғулот йиғинларини фақат Осиё минтақасидаги давлатларда ўтказиш билан чекланиб қолмаймиз. ЎФФ билан келишган ҳолда иложи борича, Европа, Африка ҳамда Америка қитъаларида ўтказиладиган халқаро турнирларда ҳам иштирок этишни режалаштиряпмиз. Яна бир неча кундан сўнг, миллий чемпионат баҳслари ниҳоясига етади ва терма жамоа аъзоларига дам берилади. Илк ўқув-машғулот йиғинига келаси йилнинг январидан киришамиз. Дастлаб Қатарда ёшлар ўртасида ўтказиладиган анъанавий «Дўстлик — 2009» халқаро турнирида қатнашишимиз режалаштирилмоқда. Ушбу мусобақада Осиё давлатлари вакиллари билан биргаликда Польша, Германия, шунингдек, Африка минтақасидан ҳам бир неча мамлакатлар вакиллари иштирок этишади. Бу эса ёшларимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўташи табиий.

— Таркибда қандай ўзгаришлар бўлади?

— Албатта, таркибнинг деярли барча чизиқлари ислоҳ қилишни талаб этади. Чунки юқорида таъкидланганидек, жаҳон чемпионати бу қитъа миқёсидагидан кўра, шиддатли ва ҳужумкор кечади. Шу боис, дарвозабон, ҳимоя ҳамда ҳужум чизиғини кучайтиришимиз зарур. Ўйлайманки, бу каби камчилик ва муаммолар олдинда ўтказиладиган ўқув-машғулот йиғинлари ҳамда халқаро турнирлар давомида ўз ечимини топади. Буни терма жамоа аъзолари ва номзодлари ҳам яхши ҳис этиб туришибди. Жаҳон чемпионатида қатнашишни ҳамма орзу қилади. Аммо унда фақат муносиблар тўп сурадилар.

Эркин ХОЛБОБО тайёрлади.

✓ Футбол

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1049
7955 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 22.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

✓ Қадрият — ўзликни англаш

МУЗЕЙ-УСТАХОНА

Кўҳна Фиждувон нафақат улуғ алломалар юрти, балки қўли гул уста кулоллар ватани ҳам ҳисобланади. Шу қутлуғ заминда яшаб, ҳалол меҳнати билан халқимиз ўртасида обрў-эътибор қозонган кулоллар сулоласи ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Машҳур кулол Ибодулла Нарзуллаев ишларини унинг фарзандлари катта ўғли, Ўзбекистон халқ устаси Алишер Нарзуллаев бошчилигида давом эттириб келишяпти. Сулоланинг табаррук онахони Мустапшира Баракаева эса қизи Мавлуда, келини Гулбаҳор Нарзуллаева билан ҳамкорликда шогирдларига бу қадимий халқ амалий санъати сирларини ўргатяпти. Улар халқ ҳунармандчилиги анъаналарини кенг тарғиб этиш мақсадида «Фиждувон миллий кулолчилик мактаби» музей-устахонасини очдилар.

Бухоро сайёҳлик йўналишига киритилган бу музей ҳар куни меҳмонлар ва хорижлик сайёҳлар билан гавжум. Музейда Фиждувон кулолчилик тарихига оид 500 дан зиёд буюмлар сақланмоқда. Шу билан бирга музей экспонатлари орасида каштадўзликнинг нодир намуналари сони ҳам юзга яқинлашиб қолди.

Бу музейнинг ўзига хослиги шундаки, қизиқувчан хорижлик сайёҳларга кулолчилик ва каштадўзлик буюмлари қандай яратилиши амалда намойиш этилади, шунингдек, инглиз тилини пухта билган ака-ука Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар иш жараёнини батафсил тушунтириб беришади. Албатта, бундай жонли мулоқот хорижлик сайёҳларда ўчмас таассурот қолдиради.

— Биз яратган музей, — дейди Алишер Нарзуллаев, — Фиждувон кулолчилик тарихи, ота-боболаримиз меросидан сўзлайди. Бу ердаги осори атиқалар Шарқ ҳунармандчилиги ихлосманди бўлган хорижлик сайёҳларда меросимизга нисбатан зўр қизиқиш уйғотмоқда. Яқинда укам Абдулла Францияда Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш ассоциациясининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган анжуманда иштирок этиб қайтди. У тадбир доирасида намойиш этилган кўргазмада йигирмага яқин сопол буюмларни, ўндан зиёд сўзаналарни хорижликлар эътиборига ҳавола этди. Бу маҳсулотларимиз орқали французларга халқимизнинг амалий санъатини, миллий қадриятларимизни яна бир бор кўрсата олдик.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа корхоналари фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилиши масалаларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда юртимиздаги қатор оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа корхоналари вакиллари иштирок этди.

МАТБУОТ ВА МАТБАА РИВОЖИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида бир минг бир юздан зиёд номдаги оммавий ахборот воситаси — газета, журнал, ахборотнома, ахборот агентлиги, электрон оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар рўйхатга олинган. Агентлик томонидан оммавий ахборот воситаларининг амалдаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан мунтазам равишда мониторинг олиб борилмоқда. Хусусан, даврий нашрларга халқаро стандартлар туркум рақами — ISSN белгиси қўйиб борилаётир. Бу эса даврий нашрларнинг хорижий давлатларда ҳам тарқалиши учун имконият яратади.

Юртимизда саксондан ортиқ нашриёт фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, ҳокимликлар, бошқарув органлари, ўқув ва илмий тадқиқот муассасаларида олтмишга яқин ноширлик бўлими ишлаб турибди. Улар томонидан чоп этилаётган матбаачилик маҳсулотларига ISBN рақамларининг қўйиб борилиши эса нашрларнинг адади, хилма-хиллиги ортишига, сифатининг янада яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Айни пайтда матбаа корхоналарининг фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилаётир. Ҳозир юртимизда бир минг уч юзга яқин матбаа корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати давлат стандартларига мос келишига катта эътибор қаратилмоқда.

Анжуманда матбаа корхоналари томонидан босма маҳсулотларни чоп этишда нашриёт ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонунчилик талабларига қатъий риоя қилиниши зарурлиги таъкидланди. Тадбирда журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

✓ Ўтмишдан ҳикоя

Мақсуд ҚОРИЕВ

«МЕНИНГ ЎЗИМ»

Воқеа бундан бир неча ўн йиллар илгари бўлган. Собиқ иттифоқ даврида мажлис ва йиғинлар кўп ўтказиларди. Вилоят марказида матлуботчиларнинг йиғилиши бўлаётганди. Одатга кўра, бундай анжуманларда аввал президиум сайланган. Минбардаги аёл ҳайъатга кўрсатилганларнинг рўйхатини ҳижжалаб ўқиб бергач, раислик қилувчи мажлис аҳлига мурожаат қилди:

— Рўйхатда ўқилган ўртоқлар мажлис ҳайъатига сайлансин деган кишилар қўл кўтарсин, — деди.

Ҳамма бараварига қўл кўтарди.

Мажлис қоидасига биноан раис: «Қаршилар борми? Йўқми. Бетарафлар-чи? Йўқ. Улар бир овоздан сайланди», — деди ўзи берган саволларга ўзи жавоб бериб.

Ҳамма иш тинчгина, ўз йўли билан кетаётган эди-ю, лекин шу вақт ўрта қаторда ўтирган, жуссаси ялпоқдан келган, юзлари қуёшда қорайган бир киши қўл кўтариб қолди.

— Бирор нарса демоқчимисиз, биродар? — сўради раислик қилувчи бироз оғриниб.

Семиз киши елкасига ташлаб олган рўмолчаси билан пешонасининг терларини артди, қулоғигача буралиб кетган мўйловини силаб, аввал президиумда ўтирганларга ғалати бир қараш қилди.

Бу одамнинг нима гапи бор экан, деб ҳамма ҳайрон. Айниқса, раислик қилувчининг тоқати-тоқ бўлган. Мажлиснинг «тартибли» боришига халал бераётган бу кишининг ноўрин чиқиши кўпчиликнинг кайфиятини бузди.

Аммо у ҳеч шошилмасди. Ёнгинасида ўтирган, озғин, қотмадан келган, от юзли, новчагина шеригига нимадир деди-да, зўрма-зўраки томоқ қириб йўталиб қўйди.

— Сўзламоқчимисиз?

— Йўқ, таклифим бор.

— Хўш, қандай таклиф?

— Таклифим шуки, ҳайъатга Аҳмад Охун ҳам сайлансин, — деди қироат билан.

Раислик қилувчи бир оз иккиланиб турди-да, кейин «нима дейсизлар», дегандек қатнашчиларга қаради.

— Майли, сайлана қолсин, — деди ҳалиги мўйловли киши.

— Таклиф тушяпти, ҳайъатга Аҳмад Охун сайланишига нима дейсизлар? — деди раислик қилувчи яна мажлис аҳлига мурожаат этиб.

— Сайлансин, — деди яна кимдир орқадан баланд овоз билан.

— Бўлмаса, овозга қўяман, Аҳмад Охун сайлансин, деганлар қўл кўтарсин.

Ҳамма ўтирганлар бараварига қўл кўтарди.

— Қаршилар? Йўқ. Бетарафлар? Йўқ. Аҳмад Охун бир овоздан мажлис ҳайъатига сайланди, — деди раис мағрурлик билан. Кейин залга юзланиб:

— Қани, Аҳмад Охун ким ўзи, ҳайъатга чиқсин! — деди.

— Менинг ўзим, — деди ҳалиги семиз, мўйловли киши ва тўппа-тўғри ҳайъат столи томон юрди.

Китоб жавонингизга

«ОҚ ТУЯ МИНГАН АВЛИЁ»

«Юрак борки, шеърла ёнса!..» Ҳа, навоийлик шоир Музаффар Жаҳон барча юракларнинг шеър ишқида ёнишини орзу қилади. Ўзи эса жўшиб ижод қилади, шеър ёзади. Қатор китобларини шеърият мухлисларига тақдим этган, Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган. Яқинда шоирнинг «Оқ туя минган авлиё» деб номланган навбатдаги шеърий китоби «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида босмадан чиқди.

Шоирнинг янги китобига киритилган она юрт, одамийлик, севги ва садоқат, ёш авлод орзу-ниятларига бағишланган шеърларини ўқиб чиққан китобхон беихтиёр унинг ижодига ошно бўлади. Ушбу китобга Музаффар Жаҳоннинг тарихий қўлёзмалар, ривоятлар асосида Мавлоно Ориф Деггаронийга бағишлаган «Оқ туя минган авлиё» достони ҳам киритилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

А.БЕК

Ўзбекистон ХДП МК Ижроқўми Ҳайъати Марказий Кенгаш аъзоси, Сурхондарё вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Икром Қурбоновга отаси **Ҳамид бобо**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.